



## МАКТАБ РАҲБАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИ

*Нургизарова З.Б.*

*Тошкент иқтисодийёт ва педагогика институти “Тиллар ва мактабгача таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** тарбия, тарбия методлари, тарбияга раҳбарлик қилиш, таълим турлари, тарбия омиллари.

**Ключевые слова:** воспитание, методы воспитания, руководство воспитанием, виды воспитания, факторы воспитания.

**Key words:** upbringing, upbringing methods, upbringing guidance, types of upbringing, upbringing factors.

**Резюме:**

Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва бошқариш, тарбия жараёнида синф раҳбари, директор ўринбосари ва директорнинг вазифалари, тарбия жараёнини ташкил қилиш методлари таҳлил қилинган.

**Резюме:**

В данной статье анализируются организация и руководство воспитательной работой в общеобразовательных школах, обязанности классного руководителя, заместителя директора и директора в учебном процессе, методы организации учебного процесса.

**Summary:**

This article analyzes the organization and management of educational work in secondary schools, the duties of the class teacher, deputy director and director in the educational process, methods of organizing the educational process.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар муайян тизим асосида ташкил қилинмоқда. Устоз мураббийлар томонидан дарс жараёнларида, ота-оналар томонидан эса оилада бажариладиган тарбиявий вазифаларга қўшимча равишда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари ўқувчиларнинг баркамол инсон бўлиб тарбияланишларига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Тарбия ижтимоийлашув маҳсули эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг раҳбарлиги ва назорати остида синф жамоалари ижтимоий ҳаёт тажрибасини тўпламоқдалар, ижтимоий ахлоқ нормаларини эгалламоқдалар, ўз аъзоларидан



ҳар томонлама камол топган ва тарбияланган, меҳнатга ва кўп миллатли янги Ўзбекитон давлатини ҳимоя қиладиган баркамол авлодни шакллантирмоқдалар.

Мактабдаги тарбия жараёнига раҳбарлик қилишда синф раҳбарларининг тарбиявий фаолияти алоҳида ўрин тутати. Синфда тарбиявий ишнинг асосий вазифаси сифатида ҳар бир ўқувчи билан шахснинг камол топишига фаол таъсир этадиган муҳит яратати. Синф раҳбари мактаб ўқувчиларининг ахлоқини назорат қилади, айрим ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятлари доирасида жамоатчиликнинг фикрини шакллантиради.

Мактаб директори мактабда олиб бориладиган тарбиявий ишнинг юксак даражасини таъминлаши учун энг яхши ўқитувчиларни синф раҳбари этиб тайинланишига асосли ва пухта ўйлаб ёндашиши талаб этилади. Мактаб фаолиятига раҳбарлик қилар экан директор тарбиявий жараёнда узлуксизлик ва изчиллик тамойилларини амалга ошириб, тарбиявий ишларда бошланғич ва ўрта синфлар орасидаги изчилликка риоя қилинишига алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда мактаб директори I-IV синф ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини яхши билишлари ва келгуси ишларида мана шу даражани кўтаришга йўналтирилган тизимни яратиши, синф мураббийлари учун муносиб педагогик шарт-шароитни яратишга масъул ҳисобланади.

Ўқув синфида синф раҳбарларининг кўнимсизлиги ўқувчиларнинг тарбияси ва фанларни ўзлаштиришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Кузатишларимиз натижасида, амалиётда синф раҳбарлари кўп ҳолларда 2-3 йилда алмаштирилиши маълум бўлди. Тарбия жараёни муайян тизим ва тарбия методларининг изчилликда ташкил қилиниши натижасида ўз самарасини беради. Янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунда (2020 йил 23 сентябрь) умумий ўрта таълим қуйидаги 3 та босқичдан иборат эканлиги белгиланган:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- таянч ўрта таълим (V-IX синфлар);
- ўрта таълим (X-XI синфлар).

Мазкур босқичлар умумий ўрта таълимнинг ўз ичида муайян бурилиш даврларини белгилайди. Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилади. Таянч ўрта таълим эса ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва



кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Шунга мувофиқ, умумий ўрта таълимда синф раҳбарларининг ал-маштирилишига зарурат бўлса, мана шу даврлар оралиғидагина ала-маштирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда эса, синф раҳбари I-IV синфларида бошланғич синф ўқитувчиси ва V-XI синфларда битта ўқитувчи томонидан олиб борилиши ўқувчиларнинг таълим ва тарбиядаги самарадорлик кўрсаткичларини таъминлайди.

Синф раҳбарларини ҳар қайси параллел синфларда директор ўзининг кундалик ишида таяниши ва улар тажрибаси асосида ёш тарбиячиларни ўргатиши мумкин бўлган анча тажрибали тарбиячилар бўладиган қилиб тақсимлаши мақсадга мувофиқдир. Борди-ю буни амалга ошириш мумкин бўлмаса, директор бундай кадрларни тарбиявий ишга мойиллиги ва қизиқиши бўлган ёш синф раҳбарларидан тайёрлаш учун қайғуриши лозим ва “Устоз-шоғирд” тизими асосида ёш ўқитувчиларни тажрибали устозларга бириктириб, синф раҳбарликга тайёрлаш лозим.

Директор ва маънавий-маърифий ишлар буйича директор ўринбосарлари синф раҳбарларининг қандай ишлаётганлари, тарбияда умумий натижа нима ҳисобига қўлга киритилаётганига сира бефарқ қарай олмайдилар. Шу сабабли синф раҳбарларига мунтазам йўл-йўриқ кўрсатиб бориш директор ишига қўйиладиган энг муҳим талаблардан биридир. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар буйича директор ўринбосарлари билан биргаликда олдиндан қачон ва қандай йўл-йўриқ кўрсатишини ўйлаб олиши жуда муҳим, чунки синф раҳбарларига берилган йўл-йўриқ уларга ҳаминша амалий ёрдам кўрсатиши зарур. Бу ишга ҳар бир ўқув йили бошида, ўқув чораги ёки ярим йиллик бошида айниқса эътибор берилади.

Педагогларнинг тарбиявий ишига раҳбарлик қилишдаги ўзига хослик мактаб типлари (бошланғич, таянч ўрта, ўрта), уларнинг иш шароити (шаҳар, массив, қишлоқ) ҳамда тарбиячиларнинг малакалари билан белгиланади. Баъзи ҳолларда директор синф жамоаси, синф фаоллари, синф сардорлари билан амалий ишлашни кўпроқ ўргатади, индивидуал ишга эътибор беради. Бу иш семинар, вебинар, очик тарбиявий машғулотлар, тарбиявий масалаларга оид педагогик кенгашларда умумий тушунтиришлар, педагоглар ишлаб чиқариш жамоалари ва кенг ота-оналар жамоатчилиги вакилларининг биргаликдаги кенгашлари кўринишларида олиб борилади. Бошқа ҳолларда тарбиячилар фаолияти билан олиб бориладиган ишнинг жамоа шаклларида эътибор берилади, қўшимча равишда синф раҳбарлари ва гуруҳ фаоллари йиғилишлари ўтказилади, улар учун тре-



нинглар уюштирилади, алоҳида тартибда тарбиявий масалалар юзасидан индивидуал топшириқлар берилади ва ҳоказо.

Мактабларда тарбиявий фаолиятга раҳбарлик қилишининг муваффақияти кўп жиҳатдан директор ва унинг ўринбосарлари ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқ. Тарбиявий жараён методикасини билиш директор ва ташкилотчига тарбиячилар жамоасини ишини йўналтиришга, уларга зарур иш шакллари ва методларини ўз вақтида эслатиб туришга, мактаб ўқувчиларининг фаоллиги ва улар тарбиясининг

Ҳозирги вақтда кўпгина мактабларда синф раҳбарларининг тарбиявий ишига раҳбарлик қилиш вазифаси ва маънавий-маърифий ишлар буйича директор ўринбосарлари қўлига топширилган (бир ўринда мактаб директори тарбиявий жараёнга умумий раҳбарликни ўзи олиб боради., иккинчи бир ҳолда бу ишга раҳбарлик вазифасини бутунлай ташкилотчига юклайди). Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида ташкилотчилик қобилиятига эга ўқитувчиларнинг иш ҳажми бошқа ўқитувчиларнинг ўз лавозим вазифаларини етарли даражада амалга оширмаганлиги ҳисобига ортиб кетади. Бу эса тизимни ишдан ичқаради ва таълим-тарбия ҳамда ташкилий масалалар сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ташкилотчи синф раҳбарлари фаолиятидаги кучли ва кучсиз томонлар ҳамда улар тарбиялаётган коллектив ҳақида доимо ахборот тўплаб борилиши, уларнинг фаолияти намуна сифатида кўрсатилиши ва ҳар бир синф раҳбаридан ўз ишини шунга мувофиқ ташкил қилиши талаб қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунга мақсадга йўналтирилган кузатишлар, суҳбатлар машғулотларга кириб туриш, ҳужжатлаштиришларни ўрганиш ва ҳоказолар орқали эришилади.

Мактабнинг маънавий-маърифий ишлар буйича директор ўринбосарлари ҳар бир ўқувчи онглилик ва ижтимоий ахлоқнинг юксак даражасига эришсин, деган шиор билан иш олиб бориши лозим.

Мактабда тарбиявий жараён ривожланиб борадиган қилиб қурилиши учун мактаб директори ва ташкилотчи I-IV синфлар ўқитувчилари ва V- XI синфларнинг синф раҳбарлари билан олиб бориладиган методик ишларнинг аниқ дастурини белгилаб оладилар. Бунда асосий эътиборни турли ёш гуруҳларидаги ўқувчиларни тарбиялашнинг мазмунига қаратадилар. Зотан I-IV синфларнинг ўқитувчиси мактабга қизиқиб келган етти ёшли бола тарбиявий таъсирга осонгина берилишини билиши лозим. У яхши ўқувчи ва билимдон бўлишни истайди. Унинг тарбияси хилма-хил фаолиятда кечади. Мана шунинг учун ҳам боланинг мактаб остонасига биринчи қадамлари ёзиш, ўқиш, ҳисоблашга ўрганаётган ўқувчи сифати-

да ҳам бошқалар билан биргаликда (иккита, учта, бешта бўлиб) яшаш ва ишлашни ўрганаётган ўқувчи сифатида ҳам яхши ўйланган ва уюштирилган бўлиши муҳимдир. Уни мураккаб бўлмаган топшириқларни бажаришга ўргатиш ва унинг иши баҳоланиши, унга нима дейилгани, нимани яхши бажарган-у нимани ҳали ўрганмаганини айтиш учун кузатиб борилиши керак. Бошқалар билан биргаликда топшириқни бажариб, биринчи синф ўқувчилари ахлоқий тажриба орттирадилар.

Мактабда тарбиявий жараён энг оддий нарсалардан бошланиб, аста-секин мураккаблаштириб борилади, шу туфайли тарбиявий ишда тадрижийлик тамойилини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, болалар билан кўплаб суҳбалар ўтказиш, янги-янги ишларни, экскурсия ва юришларни уюштиришга шошмаслик лозим.

Ўқитувчи биринчи синфда ўзининг болаларга нисбатан муомала усули улар ўртасидаги муомаланинг характерини белгилашини доимо ёдда тутиши зарур. Ўқувчиларнинг қай даражада тарбияланганлиги, кишиларга, ўз тенгдошлари ва катталарга, ўз бурчини бажаришга, меҳнатга, жамоага муносабатидаги ўзгариш тарбиявий иш муваффақиятининг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Биринчи ўқув йилининг охирига бориб биринчи синф болалари ўзларининг бурчи ва вазифаларини яхши билиб оладилар. III ва IV синфларда ўқувчилар иши фаоллашади, уларни катта синфларга ўтказишга тайёргарлик кўрилади. Мазкур синфларда болаларни тарбиялашнинг кўпгина ўзига хос томонлари юқоридаги жиҳатлар билан белгиланади.

III ва IV синфларда ўқитувчи ўқувчилар фаолиятига бевосита гуруҳ сардорлари ва етакчилари орқали раҳбарлик қилади ва уларни йўналтиради. У болаларда ўқувчилар жамоасига мансублиги билан фахрланиш ҳиссини шакллантиради, тенгдошларига дўстона муносабат ўрнатилишига ёрдам беради. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларнинг хилма-хил (ўқиш, ўйин, меҳнат) фаолиятини улардан биргаликда қилинадиган ҳаракатни, умумманфаати учун қилинадиган меҳнатга, ижтимоий ва жамоа ҳаётига ижобий муносабат уйғотадиган қилиб ташкил этишдир.

Ўқувчилар ишида фаоллар ўртасидаги мусобақа катта ўрин тутаяди. Ўқитувчи мусобақани уюштириб, мактов, мукофот, жазони қўллар экан, унинг меъёрига қаттиқ риоя қилишни тушуниши ва ёдда тутиши, энг муҳими, болаларнинг ахлоқий камолоти эканини унутмаслик лозим. Шу сабабли мусобақа рақобатчиликка, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, яхши натижага эришиш истагига айланиб қолишига йўл қўйиш мумкин эмас.



Мусобақани ҳар бир фаол фаолиятининг бирор бир турида ғолиб чиқадиган қилиб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ўйин тарзидаги машғулотларида уларнинг маънавий-иродавий фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ўйинда болалар маълум мақсадни биргаликда ҳосил қилишга, бошланган ишни охирига етказишга, ўз фаолиятлари натижасини танқидий баҳолашга ўрганадилар. Бу жараёнда синф раҳбари ташкилотчи, ўқитувчи, тарбиячи, мураббий сифатида ўз ижодкорлиги ва педагогик маҳоратини намойиш қилиши лозим.

#### Адабиётлар:

1. Юлдашев М.А. Таълим сифати менежментининг ташқи ва ички назорат механизмлари // Илм ҳам жамият. –Нукус. 2016, - № 1. – Б. 88-90.
2. Д.Э.Қаршиева. Кластер воситасида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияни шакллантиришнинг педагогик асослари(мактаб малакавий амалиёти мисолида). 13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.Автореферат.Чирчиқ 2021.12-б
3. Кошанова Н.М. Оила ва мураббий манфаатли ҳамкорлигининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти. Academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804.34-б.
4. Кошанова Н.М. Таълим самарадорлигини таъминлашда оила таълим салоҳиятини яхшилаш - долзарб вазифа «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» илимий-метадологик журналы .Нукус.2021.4-сон.49-б.
5. Кошанова Н.М. Ўзаро рақобат ва назорат муҳитини шакллантиришда таълим кластерининг асосий хусусиятлари//Педагогик таълим кластери:муаммо ва ечимлар.Халқаро илмий-амалий конференция. Чирчиқ давлат педагогика институти.2021.25-26 июнь.103-б.
6. Данилова, Л. Н. «Родители-монстры» или воспитательное партнерство [Текст] /Л.Н.Данилова//Директор школы. - 2011. - №3. - С.67-72. 77
7. Буданова Г.П. Повышение уровня воспитательной работы в школе. Нормативно-правовые основания деятельности работников, выполняющих функции классных руководителей/Г.П. Буданова, Л.Н. Буйлова. М., 2007. С. 204.